

ХФР

1918-yil  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan

№37, 2022-yil  
14-sentabr,  
chorshanba (32.731)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

## ПРЕЗИДЕНТ САМАРҚАНДГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 сентябрь куни Самарқандга келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини ҳам зиёрат қилди.

Айни кунларда Самарқанд улкан сиёсий воқеалар тараддудида. Бугундан олий даражадаги ташрифлар бошланади. 15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси бўлиб ўтади.

ЎЗА



«ТАРИХАН ШАКЛЛАНГАН ТУШУНЧАГА КЎРА, САМАРҚАНДДАН ТУРИБ ҚАРАЛГАНДА, ДУНЁ ТАРҚОҚ ЭМАС, БАЛКИ ЯХЛИТ ВА БЎЛИНМАС БЎЛИБ КЎРИНАДИ. «САМАРҚАНД РУҲИ» ДЕГАН НОЁБ ФЕНОМЕННИНГ МАЗМУНИ ҲАМ АСЛИ ШУНДА МУЖАССАМ БЎЛИБ, У ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ, ЖУМЛАДАН, ШҲТ ДОИРАСИДАГИ ШЕРИКЛИКНИНГ ПРИНЦИПАЛ ЖИҲАТДАН ЯНГИ ФОРМАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛИШИ МУМКИН.

АСЛИНИ ОЛГАНДА, «САМАРҚАНД РУҲИ» БУНДАН 20 ЙИЛ АВВАЛ МАМЛАКАТЛАРИМИЗНИНГ ДАВР ТАЛАБЛАРИГА МОС, ЯНГИ ТАШКИЛОТНИ ЯРАТИШИГА ТУРТКИ БЕРГАН «ШАНХАЙ РУҲИ»НИ УЙҒУН РАВИШДА ТЎЛДИРИБ ТУРАДИ.»

2

«ШҲТнинг мақсади — янги деворлар эмас, янги кўприклар қуриш»

Сенат раиси ўринбосари Содиқ Сафоев фикрига кўра, ШҲТнинг асосий кучи — у қандайдир блок ёки ёпиқ тузилма бўлишдан йироқлиги. Бу ташкилот ҳамisha турли кўринишдаги ҳамкорликлар учун очиқ ва Самарқанд саммити ҳам ташкилот ўзаро тушуниш, ишонч ва ҳамкорлик барпо этиш учун платформа эканини исботлаши керак.

«ШҲТ саммити қандайдир қарама-қаршиликларни кучайтириш ёки янги деворларни барпо этиш, янги чегараларни белгилаш эмас, балки янги кўприкларни қуриш, халқларни бир-бирига яқинлаштиришга қаратилган анжуман бўлади», — дея қайд этди Сенат раиси ўринбосари.



## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҲАМКОР- ЛИККА ЧОРЛОВЧИ ФИКРЛАР

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОИ

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Жорий йилнинг 22 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, назорат қилувчи органларнинг масъулиятини ошириш ва фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон Фармонида мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил) томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнларини мувофиқлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш, шунингдек, давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрларини юритиш имконини берувчи «Ягона давлат назорати» ахборот тизими ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, назорат қилувчи органлар томонидан **2022 йил 1 ноябрдан бошлаб:** тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган барча текширувлар «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида **рўйхатга олинади**. Бунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланади; тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг **натижалари** ҳамда профилактика тадбирлари тўғрисида **маълумот** текширув ёки профилактика тадбирлари тугаган кундан бошлаб уч кун муддатда «Ягона давлат назорати» ахборот тизимига **киритилади**.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) назорат қилувчи органлар: «хавфни таҳлил этиш» тизими натижаларига асосан ўтказилган текширувларнинг бошлангич ҳақида камида **10 иш куни олдин тадбиркорлик субъектини** хабардор қилади;

б) тадбиркорлик субъектининг илгари текширилган фаолият давридаги предмети ва объекти бўйича қайта текширув ўтказишга ва тадбиркорлик субъекти томонидан аввал тақдим этилган ҳужжатларни талаб қилишга **ҳақли эмас;** тадбиркорлик субъектлари учун **профилактика тадбирларини** Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган режа-графиклар асосида **тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда** семинарлар, оммавий муҳокамалар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, «очиқ эшиклар куни» тадбирларини ташкил этиш, шунингдек, тарқатма материал ва қўлланмалар билан таъминлаш, тавсия ва хабарлар юбориш шаклида **амалга оширади;**

б) тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларини қуйидаги ҳолларда текширув ўтказиш учун ўз ҳудудига қўймаслик ҳуқуқига эга: текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаганда; текширув белгиланган тартибда

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилмаганда ёки у хабардор этилмаганда;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома мавжуд бўлмаганда;

улар Текширувларни рўйхатга олиш китобига маълумотларни киритишдан бош тортиганида;

в) **2023 йил 1 январдан** бошлаб назорат қилувчи органларга «Ягона давлат назорати» ахборот тизимидаги давлат назорати функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш **тақиқланади**.

4. Адлия вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси ва назорат қилувчи органлар билан биргаликда **2022 йил 1 ноябрга қадар давлат назорати функциялари ва текширувларни қисқартириш** бўйича таклифларни Стратегик ислохотлар агентлигининг кенгашига киритсин.

5. Назорат қилувчи органлар Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга:

**бир ой муддатда** тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳавола қилган ҳолда мажбурий талаблар рўйхатини;

мажбурий талаблар ўзгарган тақдирда, ўзгартириш киритилган санадан бошлаб **бир ҳафта муддатда** янгиланган мажбурий талаблар рўйхатини тақдим этсин.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон Фармони талабларига мувофиқ, «Ягона давлат назорати» тизимида давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрлари лозим даражада (долзарб) ва барча учун очиқ ҳолатда юритилишини таъминласин.

7. **Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдирish тартибини, шунингдек, назорат қилувчи органларнинг «хавфни таҳлил этиш» тизимларига қўйилган минимал талабларни тасдиқласин.

9. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С. Қосимов ҳамда назорат қилувчи органлар раҳбарлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун маълум идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 13 сентябрь

# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД САММИТИ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКДАГИ ДУНЁДА МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос "тарихий эврилиш" палласига тўғри келди – бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда ҳамда башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланмоқда.

Халқаро ҳамкорликнинг универсал принцип ва нормаларга асосланган тизими издан чиқиб бораётгани бугунги кун ҳақиқатидир. Бунинг асосий сабабларидан бири – глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг чуқур таназзулга юз тутаётгани билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида геосиёсий қарама-қаршиликларга рағбат бериб, "блокларга мансублик" стереотипларининг қайта туғилиш хавфини юзага келтирмоқда. Давлатлар ўртасидаги бундай ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштирмоқда.

Дунёнинг турли нуқталарида давом этаётган қуролли можаролар савдо ва инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммоларини янада кескинлаштирмоқда.

Шу билан бир қаторда, глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг ортиши, биохилма-хилликка путур етиши ҳамда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши жамиятларимизнинг заиф томонларини янада яққолроқ кўрсатиб бермоқда. Бу муаммолар инсоният тақдирига бевосита дахлдор бўлган муштарак қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солмоқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда.

Бундай мураккаб шароитда бир ҳақиқат аниқ: ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиши ёки бартараф этишга қодир эмас.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яққою ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инқироз ва бўҳронлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, ўрта ёки кичик бўлсин, ўзларининг тор доирадаги манфаатларини устун қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга хавф туғдираётган, ҳар қайси мамлакатга раҳна соладиган таҳдид ва хатарларга қарши умумий саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш ва сафарбар этиш барчамиз учун бирдек манфаатлидир.

Самарали халқаро ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилдир. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади.

## МУВАФФАҚИЯТЛИ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ

Барчанинги ва ҳар бир томоннинг манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорликни кўп томонлама институтларсиз амалга ошириб бўлмайди. Ушбу институтлар фаолиятидаги муайян камчиликларга қарамасдан, улар минтақавий ва глобал миқёсда давлатларо ҳамкорликнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар мамлакатлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни енгиб ўтиш, ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқни кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинув-

ни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзлайди. Бу ташкилот маданий-цивилизация қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатларо тузилмадир. Тарихан қисқа даврда ШХТ катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

Бугунги кунга келиб ШХТ ҳамжамияти – улкан географик маконни қамраб олган ва сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир.

ШХТнинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибдорлиги унинг фаолияти асосини ташкил этадиган қуйидаги тамойилларда намоён бўлмоқда: Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймайди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақият гарови – минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни илгари суришдадир.

ШХТ ўз моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибдор маконга айланиши лозим.

Шу сабабли ҳам ШХТ фаолиятига қўшилиш истагидаги давлатлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу тенденция халқаро ва минтақавий муносабатлар тизими трансформация жараёнини бошидан кечираётган бугунги шароитда яққол кўзга ташланмоқда.

ШХТ маконидаги давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технология салоҳиятига, жадал ривожланаётган иқтисодиётларга ва ҳали тўлақонли фойдаланилмаган табиий захираларга эга экани ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми жаҳон кўрсаткичининг қарийб чорак қисмини ташкил қилмоқда. Бу эса эндигина 20 ёшга тўлган ушбу минтақавий Ташкилот томонидан дунёнинг барқарор ривожланишига қўшилаётган ҳиссасининг салмоғи юксак эканидан далолат беради.

Янги синовлар ва имкониятлар вужудга келаётган бугунги дунёда ШХТнинг трансформацияси ва юксалиши учун нафақат аъзолар сонининг кўпайиши ҳисобига, балки ташкилот ривожининг янги стратегик йўналишларини илгари суриш орқали кенг истиқболлар мавжуд. Бу ўринда гап транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва "яшил" иқтисодиёт каби муҳим йўналишлар ҳақида бормоқда.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТДАГИ РАИСЛИГИ: БИРГАЛИҚДА РИВОЖЛАНИШ ОРҚАЛИ УМУМИЙ МУВАФФАҚИЯТ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган, асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали Ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратди.

Бизнинг асосий ширимиз – "Ҳар биримиз кучли бўлсакки ШХТ кучли бўлади". Уни амалда рўёбга

чиқариш йўлида Ташкилотни янада кучли ва халқаро ҳамкорларимиз учун янада жозибдор бўлишига эришиш учун жиддий ҳаракат қилдик.

Йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тадбирлар доирасида ШХТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди.

Ўз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истиқболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ШХТга раислиги юртимизда кейинги олти йилда амалга ошириб келинаётган фаол ва очиқ ташқи сиёсатнинг мантаний давоми бўлди. Бу сиёсат, энг аввало, ШХТнинг географик ўзаги бўлиши, бугунги кунда яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ижобий ва ортга қайтмас жараёнлар рўй бераётган Марказий Осиё минтақасида амалга ошмоқда.

ШХТга аъзо барча давлатлар – энг яқин қўшниларимиз, дўстларимиз ва стратегик ҳамкорларимиздир.

Ташкилотга раислик бизга улар билан кўп томонлама кооперацияни янада мустаҳкамлаш баробарида ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янада кенг қамровли шериклик учун янги йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имкониятлар берди.

Шунга ишончим комилки, бугун ШХТ доирасида шаклланган мана шундай ижобий ва муваффақиятли тажрибадан Афғонистонни ривожлантириш масаласида ҳам фойдаланиш ўта муҳим ва долзарбдир. Шак-шубҳасиз, Афғонистон ШХТ маконининг ажралмас қисми саналади. Бугун афғон халқи қўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмағига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Афғонистонга биргалиқда ёрдам қўлини чўзишимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашимиз ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит яратиш бериш бизнинг маънавий бурчимиздир.

Асрлар давомида глобал миқёсдаги давлатлар ва минтақавий куч марказлари ўртасидаги қарама-қаршиликларда буфер ролини ўтаб келган Афғонистон эндиликда Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажаришдек янги тинчлик миссиясида ўзини намоён этмоғи лозим.

Бундай ўзаро манфаатли минтақаларо ҳамкорликнинг намунавий рамзи сифатида Трансафғон коридорининг қурилиши лойиҳасини айтиш мумкин. Шуни ҳам англаш муҳимки, "Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар" темир йўли каби қўшма инфратузилма лойиҳаларини биргалиқда амалга ошириш орқали, биз ижтимоий-иқтисодий ва транспорт-коммуникация вазифаларини ҳал этибгина қолмасдан, минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшишимиз мумкин.

Ўзаро позицияларимизни яқинлаштириб, тинч, барқарор ва фаровон Афғонистон учун ШХТнинг янги кун тартибининг биргалиқда ишлаб чиқа олишимизга аминман. Шундагина том маънода барқарор ва изчил ривожланаётган, яхлит хавфсизликка эга бўлган ШХТ маконини барпо эта оламиз.

## «САМАРҚАНД РУҲИ» – ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ДЎСТЛИК ИФОДАСИ

Савдо-иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларининг жиддий узилишига олиб келган уч йиллик "пандемия танаффусидан" сўнг ШХТ мамлакатлари

ва халқларига тўғридан-тўғри мулоқот зарур.

Буюк Ипак йўлининг дурдонаси бўлган қадимий Самарқанд шаҳри жаҳоннинг ўн тўртта мамлақати етакчиларини Ташкилотнинг ва унга аъзо ҳар бир давлатнинг фаровонлиги ва равнақига хизмат қиладиган янги ва илғор тақлиф ҳамда ташаббуслари билан кутиб олишга тайёр.

Ушбу афсонавий шаҳар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очишига шубҳа йўқ. Самарқанднинг шонли тарихий мероси бунга хизмат қилади. Кўп асрлар мобайнида бу шаҳар Европадан Хитойгача бўлган мамлакатларни мустаҳкам ришталар билан боғлаб, Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада туташтирган.

Азал-азалдан Самарқанд турли ғоя ва билимлар "қайнаган" макон бўлиб, бу масканда инсониятнинг тинч ва фаровон яшаш, ўз куч ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бахтли ҳаёт кечирши каби муштарак мақсадлари мужассам бўлган. Бу табаррук заминда яшайдиган ҳар бир одам, яхши қўшни – бу Худо инсонга ато этган бахтнинг бир бўлаги эканини, тинч-тотув қўшничилик эса баракот манбаи эканини чуқур англаган. Зеро, ҳамкорлик, савдо, ижод, илм-фан ва санъат, инсоний ғоялар устувор бўлган жойда эзгуликлар кўпаяди, халқлар фаровон ва ўзаро аҳил яшайди.

Бугун замонавий ва жадал ривожланаётган инфратузилмаларга эга бўлган Самарқанднинг бундай ноёб жиҳатлари уни минтақавий ва глобал хатарларни биргалиқда муҳокама қилиш, бу борада зарур ечимларни излаб топиш учун энг қулай ва мақбул майдонга айлантирмоқда.

Инсониятнинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги шу даражада юқорики, мавжуд хатарларнинг аксарияти нафақат минтақалар, балки умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда.

Кўп йиллик биргалиқдаги ишларимиз тажрибасига таяниб ишонч билан айтаемизки, ШХТнинг Самарқанд саммити **умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги** ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади.

Самарқанд ташқи сиёсат бобида устувор йўналишлари турлича бўлган давлатларни бирлаштириш ва муроСага келтиришга қодир айнан шундай платформага айлана олади.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. "Самарқанд руҳи" деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципаи жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин.

Аслини олганда, "Самарқанд руҳи" бундан 20 йил аввал мамлакатларимизнинг давр талабларига мос, янги ташкилотни яратишга туртки берган "Шанхай руҳи"ни уйғун равишда тўлдириб туради.

Шу сабабдан аминимизки, Самарқандда ШХТ ҳаётининг янги босқичи бошланишига гувоҳ бўламиз – Ташкилотнинг таркиби кенгайиб, унинг келажак кун тартиби шаклланади ва бунда чуқур рамзий маъно мужассам.

Ишончимиз комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак саммитида қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛОВЧИ ФИКРЛАР



**Улуғбек ИНОЯТОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари:**

— Жаҳоннинг турли нуқталарида рўй бераётган қуролли можаролар, глобал иқлим ўзгариши, экологик муаммоларнинг чуқурлашиши, Ер юзининг аксарият қисмини қамраб олган пандемия кейинги йилларда дунёни ўзгартирди, мураккаблаштирди. Давлатлар, минтақалар бир-бирини тушунишга, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга, ҳамжиҳат бўлишга қийналмоқда.

Президентимизнинг "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" сарлавҳали мақоласини ўқиб, бундай чигал вазиятда очик, дўстона мулоқот нақадар зарурлигига амин бўласиз. Мақолада дунёдаги қийин ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мазмуни чуқур таҳлил билан, айна пайтда, турли соҳа вакиллари учун ҳам аниқ, тушунарли тарзда очиб берилди. Давлатимиз раҳбарининг фикрларини ўқиган одам Самарқандда ўтаётган саммитнинг нақадар тарихий аҳамиятга эга эканини кенг тушунади.

Мақолада таъкидланганидек, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизлик жараёни жаҳон иқтисодиётининг аввалги тараққиёт йўлига қайтишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини мураккаблаштирмоқда. Турли муаммолар инсоният тақдирини бевоқифа дахлдор бўлган муштарақ қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиб, одамлар ҳаёти ва фаолиятига таҳдид соломқда, уларнинг даромад манбаларини қисқартирмоқда.

Дарҳақиқат, пандемия ва ҳар хил низолар сабаб миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига, даромадига, тинчлиги-хотиржамлигига путур етмоқда. Лойиҳа ва дастурларни режалаштириш, амалга ошириш қийинлашмоқда, иқтисодий-молиявий, савдо-сотиқ йўналишида ечилмай қолаётган масалалар бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Озиқ-овқат хавфсизлиги, иш ўринлари барқарорлиги, инсонларнинг устувор ҳуқуқлари таъминлаши айрим давлатларда жиддий муаммага айланмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, албатта, давлатлар ўртасида очик мулоқот ва ҳамкорлик муҳити сусайиб қолгани билан ҳам изоҳланади.

Шу маънода Самарқанд саммити пандемиядан кейин йўналиб қолган масалаларни самарали ҳал қилиш учун тарихий имконият, деб қаралмоқда.

Президентимизнинг чуқур таҳлилларга асосланган фикрларидан сезиш мумкинки, бу саммит нафақат ШХТга аъзо давлатлар, муайян минтақа, балки бутун дунёни ўйлантириб турган масалаларга ҳам ечим топишга кўмаклашади.

Халқаро экспертлар Самарқанд саммитига алоҳида эътибор билан қараётганининг асосий сабабларидан яна бири, шубҳасиз, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ўзини тинчликпарвар, очик ва мулоқотга таянадиган ташаббускор давлат сифатида намоён эта олгани билан боғлиқ. Президентимиз бошчилигида Ватанимиз ташқи сиёсатда, халқаро ташаббусларни илгари суришда, масалаларни биргаликда ҳал қилиш бўйича катта йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда. Дунёда Ўзбекистонга муносабат тубдан ўзгарган, юртимиз ишонса бўладиган ҳамкор сифатида қаралмоқда.

Мақолада кўрсатиб ўтилганидек, самарали халқаро ҳамкорлик – бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилдир. Айнан шундай ёндашув замонимизнинг долзарб муаммоларини баҳамжиҳат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан ҳимояланиш учун энг аниқ, мақбул ва самарали йўл ҳисобланади.

Юзма-юз учрашувларда ўзаро ишонч ришталари кучлироқ боғланади. Халқимизда "меҳр – кўзда", деган ҳикматли нақл бор. Демак, кўз-кўзга тушадиган бу мажлисдан катта натижалар кутилиши табиий.

ШХТ саммити доирасида иқтисодий масалалар, ҳамкорликлар ҳақида фикр алмашилди. Шубҳасиз, ҳар бир етакчи халқ фаровонлиги ва юрт тинчлигини олий мақсади қилиб олган. Демак, биз бу саммитдан халқимизнинг турмуш тарзини яхшилайдиган ва фаровонликка етаклайдиган янги имкониятлар очилишини кутсак бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олишига ишонимиз.



## ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН



**Дилбар МАМАДЖАНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,**  
**ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Бугун Самарқанд ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи саналаётган ШХТга аъзо давлатлар фаровонлиги ва раўнақига хизмат қилувчи саммитга тайёр. Самарқанднинг учрашув жойи сифатида танланиши қадимий шаҳарнинг тарихий аҳамияти билан боғлиқ деб ўйлайман.

Бинобарин, Самарқанд Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мухташам тарихга эга шаҳар бўлиб, азалдан цивилизация маркази, Ғарб ва Шарқни боғловчи кўприқдир. Кейинги йилларда Самарқанд бир қатор йирик форумларга мезбонлик қилди, халқаро дипломатияда "Самарқанд руҳи" деган тушунча пайдо бўлди. Ишонимизки, ШХТнинг бу галги саммити ана шу тушунчанинг бежиз пайдо бўлмаганини бутун дунёга намоён этади.

Юртимизда амалга оширилаётган

туб ислохотлар кенг жамоатчилик, халқаро доира вакиллари, экспертлар, сиёсий институтлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларининг диққат-эътиборини тортмоқда. Ўзбекистоннинг дунёга очилиб бораётгани, турли давлатлар билан алоқаларни яхшилаётгани эътиборга моликдир. Бугун минтақамизда шахсий мақсадлар ҳамда бир томонлама манфаатлар ўрнини кенг қўламли интеграциялашув жараёни эгаллаётгани қувончлидир. Бу, ўз навбатида, нафақат Марказий Осиё давлатларининг, балки дунё ҳамжамиятининг ўзаро яқинлашувига, манфаатли ҳамкорликнинг мустақамланишига хизмат қилади.

Дунё ҳамжамияти Самарқанд саммитини Евроосиёдаги кейинги йиллардаги энг йирик халқаро сиёсий форумлардан бири сифатида катта қизиқиш билан кутмоқда. Минтақада ҳар жиҳатдан нуфузга эга 14 нафар давлат раҳбарлари пандемиядан сўнг илк бор бир жойга тўпланиб, ечимини кутаётган глобал муаммолар билан бирга, ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қиладилар.

Таъкидлаш жоизки, замонавий босқичда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ички ва ташқи сиёсатда фаоллик, ташаббускорлик кўрсатмоқда. Бу сиёсий фаоллик, айниқса, ШХТнинг географик ўзаги бўлмиш Марказий Осиёда жуда катта натижалар бермоқда.

Самарқанд саммити Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тарихий солномасидан муҳим ўрин эгаллайди ва ташкилот ривожини янги босқичга олиб чиқади. Қабул қилинадиган қарорлар минтақавий даражада ҳам, глобал миқёсда ҳам мулоқот, ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустақамлашга салмоқли ҳисса қўшишига ишониман.

ШХТнинг қузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлари аъзолигини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши, ШХТ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар ўртасида ҳам-

корлик алоқаларини ўрнатиш бўйича ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Йил давомида ўтказилган саксондан ортиқ йирик тадбирлар доирасида ШХТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустақамлаш, ривожланишининг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди.

Ўз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истиқболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига консенсус тамойили мавжуд, бунда қарор овоз бериш йўли билан эмас, балки розилик бериш йўли билан қабул қилинади. Яъни, бу ўзига хос Ташкилот бўлиб, унда ҳар бир аъзо ҳал қилувчи овозга эга, ҳеч ким буйруқ бермайди, барча муносабатлар ишонч ва ўзаро ҳурмат асосида қурилади. Ҳар бир иш-тирокчи иқтисодий ёки ҳарбий салоҳиятидан, аҳолиси сони ёки эгаллаб турган ер майдонидан қатъи назар, "бир-бирини тинглаш, эшитиш ва қулоқ солиш қобилияти" қоидадасига амал қилади.

Ҳар бир томон қувватловчи ва рад этувчи аргументларни тақдим этгандан сўнг, умумий формула – барчага мос келадиган ечим топилади. Бу ечим якуний ҳужжатнинг асосини ташкил этади.

ШХТнинг ўзига хос жозибadorлиги очиклик, тенглик ва ўзаро ҳурмат, учинчи давлатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши йўналтирилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршиликнинг олдини олишга асосланган тамойилларга эғалигидир. Самарқанд саммити ана шу қарашларни ифода этиб, тинчлик ва хавфсизлик, тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилади.

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА



**Мавжуда ҲАСАНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:**

— Юртимиз дунё миқёсида музокаралар ўтказиладиган мамлакатга айланиб бораётгани ҳаммамиз учун қувонарли ҳол. Мамлакатимизда 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммитига жуда катта ва муносиб ҳозирлик кўрилди. ШХТ саммити сўнгги йиллардаги Евроосиё минтақасидаги энг йирик халқаро сиёсий форумлардан бири бўлиши шубҳасиз.

Президентимизнинг тарихий учрашув ҳақидаги мақоласини ўқиб чиқарканман, Ўзбекистоннинг нақадар муҳим музокаралар ўтказилишига мезбонлик қилаётганини теранроқ тушундим.

Маълумки, 2021 йил 16 сентябрь кuni Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳридаги саммитда ушбу нуфузли Ташкилотга 2021-2022 йилларда Ўзбекистон раислик қилиши ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўтган йилларда катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Мазкур Ташкилот 2001 йилда тузилган бўлса, ҳозирга келиб унга аъзо давлатлар салмоғи ортди. Ўтган 20 йил давомида Ташкилот халқаро доирада нуфузини тобора мустақамлади.

Давлатимиз раҳбари мақоласида дунёнинг турли жойларида давом этаётган қуролли можаролар савдо-инвестиция оқимларини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасида муаммолар янада кескинлашиб бораётгани ҳақида долзарб фикр билдирилган.

Шунингдек, глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг ортиши, биохилма-хилликка путур етиши ҳамда хавфли оқумли касалликлар тарқалиши жамиятларимизнинг заиф томонларини янада яққол кўрсатиб бераётгани, бу муаммолар инсоният тақдирини бевоқифа дахлдор бўлган муштарақ қадрият ва неъматларнинг емирилишига олиб келиши, одамларнинг ҳаёти ва фаолиятига таҳдид солаётгани, даромад манбаларининг қисқаришига олиб келаётгани алоҳида таъкидлаган.

Бу каби муаммоларни ҳеч бир давлатнинг яқка ўзи ҳал этолмаслиги, бунинг учун бирдамликда ўзаро келишиб, жипслашиб кераклиги қайд этилган.

Ҳақиқатан жуда тўғри ва салмоқли фикрлар. Чунки ҳар қандай муаммо ва масалани биргаликда, жипслашиб ҳал қилиш лозим. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида кузатиладиган пандемия пайтидаги ҳолат ҳам ҳаммамизга маълум. Мамлакатлар бир-бирига ёрдам қўлини чўзиши, айниқса, вакцина масаласида бири-бирини қўллаб-қувватлаши инсониятни янада катта ва мудҳишроқ қулфатлардан асради.

Ушбу тарихий учашув мамлакатимизда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

ШХТ ҳамжамияти сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир. Давлатимиз раҳбари бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтган. Яъни, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кучли бўлиши учун аввало, шу Ташкилотга аъзо давлатлар кучли бўлиши лозимлигига урғу берилган. Бу ўзига хос шиор сифатида қайд этилган. Дунёнинг турли нуқталарида кузатиладиган қуролли низолар, қонли тўқнашувларнинг асосий сабабларидан бири ҳам ҳар ким кўрпани ўзига қараб кўпроқ тортишга уринаётгани билан боғлиқ бўлмоқда.

Самарқанд саммити ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича долзарб келишувлар билан тарихда қолади, деб ўйлайман.

Мазкур саммит ҳамкор давлатлар билан стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликнинг барча жиҳатларини кўриб чиқиш, сиёсий мулоқотни янада мустақамлаш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларни яхшилашга эришишига ишонимиз.

## MUNOSABAT

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



**Улуғбек ВАФАЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутаты,**  
**ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар жойлашган минтақа буюк иқтисодий ҳамда маънавий-маданий бойлик маконидир. Мазкур макон минг йиллар мобайнида бутун дунёнинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатган ҳамда илмий, фалсафий, маънавий ва маданий тараққиёти учун илҳом берган.

Бугунги кунда, шиддатли геосиёсий ва иқтисодий янгиликлар юз бераётган дунёда ривожланиш салоҳияти ҳамда тараққиёт ўчоги яна Шарқ томон силжимоқда. Дунёнинг турли давлатлари ва нуфузли халқаро тузилмаларнинг ШХТ билан ҳамкорлик қилишга қизиқиши ортмоқда.

Чунки, тарихан қисқа давр ичида ШХТ нуфузли халқаро ташкилот сифатида жаҳонда мустақам ўрин эгаллади ҳамда унинг самарали фаолияти фақат ташкилотга аъзо бўлган давлатларидагина эмас, балки барча минтақаларда ҳам барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга гоята катта ҳисса қўшмоқда.

## ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ КАТТА ЮТУФИ

Бугунги кунга келиб ШХТ ҳамжамияти 34 млн. км² майдонни, яъни Евроосиёнинг 60 фоизини қамраб олган, катта ҳажмдаги қазилма бойликлар ва иқтисодий ресурсларни ўзида жам қилган улкан макондир. Ташкилотга аъзо давлатлар аҳолисининг сони 3,5 млрд.ни, яъни дунё аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади. Иқтисодий салоҳияти бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллаб турган Хитой, Ҳиндистон ва Россия каби давлатлар ташкилотнинг фаол аъзолари ҳисобланади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий хавфсизликни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси, кўп томонли ва барча учун манфаатли ҳамкорликни илгари суриши унинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибдорлигини ошириб бормоқда.

Айниқса, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида ташкилот фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар яққол номён бўлди ва Ташкилотнинг жозибдорлиги янада ошди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг доирасида 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтиришга, ШХТнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга, ривожланишнинг янги йўллари янги йўлларини излашга асосий эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий шерикчиликни чуқурлаштириш ШХТнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисобланса-да, Ташкилотга асос солинган вақтдан бошлаб ўтган йиллар давомида ушбу йўналишга етарли эътибор қаратилмасдан келинаётган эди. Мисол учун, Ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи савдо айланмаси **7,5 трлн. долларни** ташкил қилган бир вақда, улар ўртасидаги савдо айланмаси **750 млрд. долларни** ташкил қилган, холос.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг саяё-

ҳаракати билан ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни икки томонлама шаклдан кўп томонлама кўринишга олиб чиқиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мисол учун, "Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар" темир йўли каби қўшма инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши минтақада ижтимоий-иқтисодий ва транспорт-коммуникация масалаларини ечишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу транспорт йўлакларига Марказий осий давлатларини энг йирик дунё базорларига олиб борувчи қисқа йўналиш ҳисоблангани билан бирга, минтақавий хавфсизликни таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

Айниқса, Трансафғон коридорининг қурилиши ШХТ маконининг ажралмас қисми саналадиган, йиллар давомида нотинчлик ҳукм сурган Афғонистонни ривожлантиришда жуда муҳимдир. Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб, оқилона олиб бораётган сиёсати Афғонистонда тинчлик ўрнатилишига, уни Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажара олишга қодир ривожланган давлат бўлишига, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига кўмаклашишга, ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит ярати беришга қаратилган.

Шубҳасиз, **Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида эришган ютуқлари шахсан Президентимизнинг халқаро майдондаги юксак обрўси ва машаққатли меҳнатининг натижасидир.**

Жорий йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказиладиган Самарқанд саммити Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Самарқанд саммити ишида ШХТга аъзо мамлакатлар – Покистон Ислон Республикаси, Россия

Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, шунингдек, ташкилот хузуридаги қузатувчи давлатлар – Беларусь Республикаси, Мўғлистон ва Эрон Ислон Республикаси етакчилари иштирок этади. Фахрий меҳмон сифатида Туркия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Туркменистон ва Арманистон Республикаси, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилган.

Таъкидлаш лозимки, турли хил манфаат ва қарашларга эга бўлган, айрим масалаларда ҳатто ўзаро зиддиятда бўлган давлатларнинг раҳбарлари бир анжуманда тўпланиши, барча учун манфаатли масалаларни муҳокама қилиши **Ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи ва шахсан Президентимизнинг халқаро сиёсатдаги тутган муҳим ўрнини** кўрсатиб бормоқда.

Шубҳасиз, Самарқанд саммити ҳам ШХТ тарихида зарҳал харфлар билан муҳрланиб қолади. Чунки, ушбу саммитда Ташкилот фаолиятида муҳим бўлган **иккита қарор** қабул қилиниши кутилмоқда: янги иштирокчиларнинг қабул қилиниши ва ташкилот ривожланишининг кейинги бочқичининг бошланиши. Яъни, Эроннинг ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб кириши кутилмоқда, бундан ташқари, қатор араб мамлакатлари ҳам ШХТ фаолиятига шерик сифатида қўшилишга қизиқиш билдирмоқда. Шунингдек, саммитда ШХТнинг **21 йиллик тарихида** илк бора ташкилот фаолиятини такомиллаштириш бўйича қарор қабул қилиниши кутилмоқда.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Самарқандда ўтказиладиган саммит минтақамиз хавфсизлиги ва иқтисодий-ижтимоий тараққиётини таъминлашга, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жаҳондаги нуфузини янада мустақамлашга улкан ҳисса қўшади.



## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...



**Фирдавс ШАРИПОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутаты,**  
**ЎзХДП фракцияси ҳамда Меҳнат**  
**ва ижтимоий масалалар**  
**қўмитаси аъзоси:**

— Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" номи мақола-сига дунёнинг етакчи сиёсатчилари, етук мутахассислари алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас.

Мамлакатимиз ва дунёнинг нуфузли нашрларида эълон қилинган ушбу мақолада тинчликни мустақамлаш, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, дунё давлатлари ўртасида бирдамликни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани долзарб аҳамиятга эга.

Мен ҳам ушбу мақолани бир неча бор ўқидим. Бир қанча жиҳатлар эътиборимни тортиди.

Жумладан, мақолада бугунги дунёнинг қиёфаси, инсониятнинг ҳаёти учун хавф туғдираётган таҳдидлар санаб ўтилган. Хусусан,

давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизлик, қуролли можаролар, глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг ортishi, биохилма-хилликка путур етиши ҳамда хавфли юқумли касалликлар тарқалиши шулар жумласидандир.

Инсониятга хавфи ортиб бораётган таҳдидларга нафақат тўхталинган, балки уларнинг олдини олиш бўйича ечим ҳам таклиф этилган. Бунда энг асосий ҳақиқат сифатида **ёлғиз давлатнинг ўзи натижага эришолмаслигига** алоҳида урғу берилган.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун **"Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яққола ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инқироз ва бўҳронлар даврида мамлакатлар, улар ҳоқ катта, ўрта ёки кичик бўлсин, ўзларининг тор доирадаги манфаатларини устуун қўймасдан, аксинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим"**, деб таъкидлаган.

Маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти қисқа вақт давомида сон ва сифат, шакл ва мазмун жиҳатдан юксалишга эришган халқаро ташкилотлардан ҳисобланади.

Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти ҳақида тўхталиб, ушбу ташкилотнинг муваффақияти ҳамда унга қўшилиш истагидаги давлатлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганининг сабабларини ҳам келтирган.

Яъни, **"Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг турли блоклардан холи мақомга эга экани, очиқлик, учинчи мамлакатлар**

**ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилгани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, икки ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик.**

**Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақият гарови – минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни илгари суришдир"**.

Ён қўшимиз бўлган жафокаш афғон халқи заминидан тинчлик ва барқарорлик бўлиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ташаббусларидан бири ҳисобланади. Зеро, донишманд халқимизда "қўшнинг тинч, сен тинч", деган пурмаъно хикмат бор.

Англаганингиздек, мақолада Афғонистонни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан, қуйидаги фикрлар илгари сурилган: **"Шак-шубҳасиз, Афғонистон ШХТ маконининг ажралмас қисми саналади. Бугун афғон халқи қўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмагига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Афғонистонга биргаликда ёрдам қўлини чўзишимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашимиз ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит ярати бериш бизнинг маънавий бурчимиздир."**

Умуман мақолада келтирилган фикрлар ҳар биримизни яна бир бор тинчлик қадрни, дунё давлатлари ўртасида ҳамкорликни мустақамлашда Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётгани ҳақида чуқур мушоҳада юритишга, Ватан равнақи йўлида эзгу ишларга қармарбаста бўлишга ундайди.

## САМАРҚАНД САММИТИ МУҲИМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНАДИ



**Хусан АБДУНИЈОЗОВ,**  
**халқ депутатлари Жиззах**  
**вилоят Кенгашидаги**  
**ЎзХДП гуруҳи аъзоси,**  
**"Юксалиш" умуммиллий**  
**ҳаракати Жиззах вилоят**  
**ҳудудий бўлинмаси**  
**раҳбари:**

халқаро майдондаги ўрнини мустақамлаш, ривожланишнинг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди. Ўз тараққиётининг янги тарихий босқичида турган ШХТ учун катта истиқболга эга бу йўналишлар Ўзбекистоннинг раислиги даврида тайёрланган ўттиздан ортиқ концептуал дастур, келишув ва қарорларда ўз аксини топди.

Маълумот ўрнида айтадиган бўлсак, Ўзбекистон шу пайтга қадар уч марта – 2005–2006, 2009–2010 ва 2015–2016 йилларда ШХТга раислик қилган. Мана шу даврларда Ўзбекистон 54 та ташаббусни илгари сурди ва уларнинг асосий қисми амалиётга жорий этилди. Масалан, ШХТ доирасида минтақавий аксилтерор тузилмасини ташкил этиш мамлакатимизнинг таклифи ва бу тузилма Тошкент шаҳрида фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти ШХТни "маданий-цивилизацион қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилма", деб атади. Шу сабабли Ташкилотга қўшилиш истагидаги давлатлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, ушбу саммитда Эрон давлатининг ШХТ аъзолари сафига қўшилиши кун тартибидеги муҳим масалалар қаторидан ўрин олган.

Айтиш керакки, Ҳиндистон ва Покистоннинг аъзолиги ташкилотга Жанубий Осиё эшикларини очган бўлса, Эроннинг қўшилиши Яқин Шарқ эшикларини очади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақият гарови ҳам ана шунда – минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни илгари суришдир. ШХТ ўз моҳиятига кўра, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашиш, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибдор маконга айланши томон бормоқда.

Мамлакатимиз етакчиси **"Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик" мақола-сининг яна бир аҳамиятли томони Афғонистон мамлакатига ҳам эътибор қаратилгани бўлди. "Афғонистонга биргаликда ёрдам қўлини чўзишимиз, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, минтақавий ва глобал тараққиёт жараёнларига интеграциялашувига кўмаклашимиз ва шу орқали ушбу давлатнинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит ярати бериш бизнинг маънавий бурчимиздир"**, дейилади мақолада.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида кўплаб иқтисодий-маданий, сиёсий ва ижтимоий масалаларга ечим топилади, деб ўйлаймиз. Давлатимиз раҳбарининг саммит олдиндан эълон қилинган мақола-си Ўзбекистоннинг ҳамкорликка ҳар томонлама тайёр эканини кўрсатмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САМАРҚАНДДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ШХТ САММИТИГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛАСИНИ ЕВРОПА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ КЕНГ ЁРИТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг **"Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик"** сарлавҳали концептуал мақоласи Европа ахборот маконида кенг ёритилаётир, деб хабар бермоқда **"Дунё" АА** мухбири.

Ушбу мақола Европанинг **"The European Geopolitical Forum"** таҳлил портали, Британиядаги **"PR Newswire"** ахборот портали, Швейцарияда нашр этиладиган **"Diva International"** журнали, Словакиянинг **"Финансовый газете"** матба нашри, Германиянинг **"Süddeutsche Zeitung"** газетаси, **"Deutsche Presse Agentur"** (DPA) ахборот агентлиги, **"FOCUS"**, **"Berliner Morgenpost"**, **"Thüringer Allgemeine"**,

**"Westdeutsche Allgemeine Zeitung"**, **"Hamburger Abendblatt"**, **"Presstext"**, **"Berliner Telegraph"**, **"Saarbrücker Zeitung"** ва бошқа оммавий ахборот воситалари саҳифаларида эълон қилинди.

Мақолада давлатимиз раҳбарининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг замонавий дунёдаги аҳамияти, ташкилот кўзлаган мақсадлар ва истиқболлар ҳақидаги қарашлари, фикр ва баҳолари ўз ифодасини топган.

Шунингдек, мақола қўшни мамлакатларнинг етакчи босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, бошқа хорижий давлатлар, ШХТ аъзолари ва аъзолари бўлмаган давлатлар матбуотида турли тилларда кенг қамровли ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинди.



## САМАРҚАНД САММИТИ ШХТ ТАРИХИДА

қолади ва Ўзбекистоннинг йирик сиёсий муваффақиятига айланади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган **"Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик"** сарлавҳали концептуал мақоласи халқаро ижтимоий-сиёсий доиралар ва экспертлар ҳамжамиятида ҳамон катта ақс-садо бермоқда. Польша-Осиё Савдо-саноат палатаси президенти, **Польша Бош вазирининг собиқ ўринбосари ва Польшанинг собиқ иқтисодий вазир Януш Пехочинский** ушбу мақола юзасидан **"Дунё"** ахборот агентлигига қуйидаги фикрларини баён этди:

Ўзбекистон раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанддаги саммити жуда мураккаб пайтда бўлиб ўтади. Бир томондан, эски ва ривожланаётган геосиёсий ва шу боисдан геоиқтисодий тизимнинг қарама-қаршилиги шароитида етакчи қучларнинг жаҳон тараққиётидаги ўрни ва роли қайта форматланмоқда. Бошқа томондан эса, дунё пандемия чекловларидан чарчаган ва уч йилдан буён мамлакатларнинг бир-бирига бўлган ишончини тиклайдиган ва белгиланган халқаро ҳуқуқ тизимининг қулашига йўл қўймайдиган ҳар қандай муҳим, ижобий глобал ўзгаришларни кутмоқда.

Шундай шароитда ШХТ ўз мақсад ва вазифалари нуктаи назаридан, башорат қилинадиган ва прагматик муносабатлар тизимида тобора



фаол, шунингдек, минтақавий ва субминтақавий миқёсдаги қарорларини шакллантириш ва амалга оширишга қодир нуфузли ташкилотга айланмоқда.

Шу маънода айтиш мумкинки, ШХТ ушбу ташкилотни барқарор ва истиқболли қиладиган консолидациялашган нуктаи назар ва кун тартибига эга. Президент Шавкат Мирзиёев ўз мақоласида таъкидлаганидек, "ШХТга аъзо барча давлатлар бизнинг энг яқин қўшнилариимиз, дўстларимиз ва стратегик шерикларимиздир".

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг обрўси нафақат минтақада, балки бутун дунёда ўсиб бормоқда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат ташқи сиёсатини ўзгариштиришдаги роли тўла эътироф этилган, зеро, мамлакат янги, фаол ва ҳаракатчан қиёфа касб этган. Бу Ўзбекистоннинг кўп томонлама ҳамкорлик институтлари, хусусан, ШХТ доирасидаги ўрнига ҳам дахлдордир.

Мақолада Ўзбекистон раҳбари қайд этганидек, бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас болган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яққо ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир.

Самарқанд саммити энди бошланмоқда, аммо у ШХТ тарихида қолади ва Ўзбекистоннинг йирик сиёсий муваффақиятига айланади, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТГА РАИСЛИГИ

ва унинг доирасидаги ташаббуслари ташкилотнинг обрўси ва мақомини мустаҳкамлашга хизмат қилди



**Мехмет Сейфеттин Эрол, Анкара Инқироз ва сиёсий тадқиқотлар маркази директори:**

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиш ва Ўзбекистон Президенти томонидан ушбу тузилма доирасида илгари сурилган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши ҳақиқатан ҳам жаҳон миқёсида ишонч ва геосиёсий қарама-қаршиликлар инқирози кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ШХТнинг нуфузи ва мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг **"Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик"** сарлавҳали

хали концептуал мақоласида айнан шу масалаларга, шунингдек, глобал тенденцияларни чуқур таҳлил қилишга, янги муаммолар ва имкониятлар билан ўзаро боғлиқ дунёда ШХТнинг халқаро муаммолар спиралдаги ролини баҳолашга катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон раҳбари **"Ҳар биримиз кучли бўлсакки ШХТ кучли бўлади"**, деган ширни эълон қилгани ҳолда республиканинг Ташкилотга раислиги моҳиятини очиб берган. ШХТ маконидagi давлатларнинг юксак инсоний, интеллектуал ва технологик салоҳиятга, жадал ривожланаётган иқтисодий ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилиши ҳам асосли равишда қайд этилган.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даври юксак савияда ўтди ва "Самарқанд руҳи" ҳамкорлик, ўзаро англашув ва дўстликнинг тимсоли сифатида Ташкилотнинг бутун минтақа манфаати йўлида энг жадал ва самарали ривожланишига хизмат қилади.

«Дунё» АА

## НОРАСМИЙ БАНДЛИК УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ

борасида амалга ошириладиган вазифалар белгиланди

Меҳнат ресурслари балансини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш. Бунда айниқса, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчиларни ишла қилиш ҳамда тадбиркорликка кенг жалб этиш масалалари муҳим саналади.

2022 йил 2 сентябрь куни давлатимиз раҳбарининг **"Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда айнан ушбу масалалар қамраб олинган. Шу билан бирга, норасмий бандликни камайтириш бўйича таъсирчан янги механизмларни жорий этиш мақсадида қатор вазифалар белгиланган.

Аввало, маҳаллаларда ишсизликни камайтириш ва норасмий бандлик улушини қисқартириш учун **2022 йил 1 ноябрдан** бошлаб белгиланган 10 та фаолият тури ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган ишлар, хизматлар турлари рўйхатига киритилади.

1. Уй ҳайвонлари (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар) бозорларида воситачилик хизмати.
2. Автомобиль бозорларида воситачилик хизмати.
3. Риэлторлик хизматини кўрсатиш (ижарага уй топиб бериш, уй сотиб олиш ва сотишга кўмаклашиш).
4. Уйда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш хизмати.
5. Маиший буюмларни ижарага бериш хизмати (стол-стул, идиш-товуқ, асбоб-ускуна ва бошқалар).
6. Гипс ва ганчдан буюмлар яшаш (уй жиҳозлари, эртак қаҳрамонлари ҳайкалларини яшаш).
7. Тош ва тош маҳсулотларидан ёдгорлик, сувенир ва декоратив буюмлар тайёрлаш.
8. Ёғоч маҳсулотларидан сават, нон маҳсулотлари учун махсус идиш ва бошқа буюмларни тўқиш.



9. Уй шароитида пилла етиштириш, шахсий томорқа ер участкасида тут меvasи, ниҳоли ва кўчатини етиштириш, уйда ипак мато, ипак гилам тўқиш ва сотиш.

10. Кулолчилик.  
**2023 йил 1 январдан** бошлаб яққа тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдори ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан **йиллиг** базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир бараваригача** камайтирилиши кўзда тутилган.

**2023 йил 1 январдан** бошлаб ўзининг шахсий томорқа ер участкасида белгиланган

фаолият турлари билан шугулланаётган фуқаролар томонидан йиллиг базавий ҳисоблаш миқдорининг **камида бир баравари** миқдоридан ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва ушбу давр уларнинг **меҳнат стажига** қўшилади.

Қарорда, шунингдек, **2022 йил 1 ноябрдан** бошлаб томорқа ер участкалари эгаларини **кооперация ва касаначилик** асосида иш билан банд қилган тадбиркорлик субъектларига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан парранда (товуқ, бедана, ўрдак, ғоз, курка), паррандани сақлаш учун катак, асалари оиласи, асалари уяси учун

кути, қуён, қуён катаги, балиқ чавоқлари, сунъий ҳовуз ҳамда барчаси учун озуқа емини харид қилиш, кейинчалик томорқа ер эгаларига тақдим этиш учун субсидия ажратилиши қайд этилган.

Келгуси йил январь ойидан бошлаб яққа тартибдаги тадбиркорларга ҳам қатор имтиёз ва энгилликлар жорий этилмоқда. Хусусан, мураккаб бўлмаган умумий қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари (бетон қуйиш, бўёқ-чилик, сувоқчилик ишлари, фишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари) ни (кейинги ўринларда – умумий қурилиш ишлари), шу жумладан, юридик шахслар учун ҳам бажаришга рухсат этилади.

Шу билан бирга, қурилиш-пудрат ташкилотларига умумий қурилиш ишларини бажариш учун шартнома асосида яққа тартибдаги тадбиркорларни жалб қилиш ҳуқуқи ҳам берилди. Бундай турдаги фаолият учун 5 нафаргача ишчи ёллаш имконияти ҳам тақдим этилмоқда. Эътиборлиси, умумий қурилиш ишларини бажариш фаолияти билан шугулланаётган ҳамда камида уч нафар ходимни ёллаган яққа тартибдаги тадбиркорга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача меҳнат қуролини ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга субсидия ажратилади.

Шу ва бошқа қатор вазифалар тасдиқланган махсус "йўл харитаси" ҳамда мақсадли кўрсаткичлар асосида амалга оширилади. Ҳар бир ҳудуд ва иқтисодий фаолият турлари кесимида эса аниқланган норасмий бандликни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилади. Таъкидлашишча, белгиланган чора-тадбирлар натижасида йилга камида 500 миң кишининг бандлиги таъминлаб борилиши кўзда тутилган. Бунинг муҳим шартларидан бири эса аввало, ҳар бир раҳбар ўз ишига виждонан ва ҳалол ёндашиши ҳамда сидқиқдилдан топшириқларни бажариши зарур.

## YANGI QAROR — YANGI IMKONIYAT

[t.me/uzbekiston\\_ovozi\\_gazetasi](https://t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi)
[facebook.com/uzbekistonovozi](https://facebook.com/uzbekistonovozi)
[instagram.com/uzbekiston\\_ovozi](https://instagram.com/uzbekiston_ovozi)
[info@uzbovozi.uz](mailto:info@uzbovozi.uz)
[www.uzbovozi.uz](http://www.uzbovozi.uz)

# ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ЕР 30 ЙИЛГА БЕРИЛАДИ

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда аграр соҳада аҳолининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг даромадларини кўпайтириш, шунингдек, "Бир ҳудуд – бир маҳсулот" тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида "Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент қарори қабул қилинди.

Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ҳамда кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ерлардан 2022 йил якунига қадар қўшимча 20 минг гектар – умумий 100 минг гектар экин майдонлари, 2023 йилда 95 169 гектар экин майдонлари очик электрон танлов орқали ижарага берилади.

Яъни, экин майдонлари фуқароларга 30 йил муддатга, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 0,15 гектардан 1 гектаргача, бошқа вилоятларда 0,30 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,30 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда сув таъминоти яхши бўлган ерлардан ажратилади.

Кам сувли ерлардан эса вилоятларда 0,50 гектардан 1 гектаргача ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 0,50 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда ижарага берилади.

2022-2023 йилларда деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида экин майдонларини аҳолига бериш учун ташкил этиладиган очик электрон танловда 1 нафар талабгор иштирок этган тақдирда, истисно тарихида, танлов ўтказилган ҳисобланади.

Иссиқхона тармоғи кенг ривожланган туманларда деҳқон хўжаликларига ажратиб берилган экин майдонларида иситиш тизимларини ўрнатмаган ҳолда энгил конструкцияли иссиқхоналар қурилишига рухсат берилади.

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган аҳолига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари очик электрон танлов орқали



ижарага берилганда, мазкур хатбошида назарда тутилган шахслар юқоридаги дафтарлардан чиқарилмайди ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар бир йил муддатга сақлаб қолинади.

Бундан ташқари, имтиёз ва преференцияларнинг бир йиллик амал қилиш муддати деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Қарорда, шунингдек, захирага олинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ҳокимликлари бўйртмасига асосан амалга оширилади. Бунда давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва вилоятлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Яъни, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган экин майдонларининг сув таъминоти яхши бўлган ерларда – Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида камида 0,15 гектарга, бошқа ҳудудларда камида 0,30 гектарга ҳамда кам сувли ерларда камида 0,5 гектарга тенг бўлган ҳажмларда лотларга ажратилиб, бир ой ичида очик электрон танловга қўйилади.

Экин майдонларини танлаш ва лотларга ажратиш ишларида маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчиларининг иштироки ҳамда улар томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинади.

Мазкур майдонларга Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги тавсиясига асосан, ҳудудлар эҳтиёжлари учун зарур бўлган ва экспорт-боп қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши таъминланади. Бунда, сабзавот, полиз, дуккакли, мойли ва картошка экинларини интенсив усулда экишга алоҳида эътибор қаратилади.

Маҳсулот етиштирувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик, кўчат, минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш, зарурий агротехник хизматлар кўрсатиш ишлари ташкил этилади.

Агрорасаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналарни жалб қилган ҳолда етиштирилган тайёр маҳсулотни харид қилиш, уни қайта ишлаш, сақлаш, ички ва ташқи бозорларга йўналтириш чоралари кўрилади.

# Интерфаол методлар

### болани ўқишга қизиқтириш, яхши ўзлаштиришга имкон беради

Улуғ донишмандлардан бири «... келажак ташвиши билан яшасанг, фарзандларингга яхши билим бер, ўқит», деган экан. Бугун юртимизда таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақиқий маънода мана шу ҳикматга амал қилишга йўғрилгани билан аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбарининг ҳаммиша келажакимиз, келажак авлодларимиз ҳақида қайғуриб, соҳага, ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам эртаимиз эгаларининг яхши шароитларда ўқиб, таълим олиши, етук мутахассис бўлиб етишишлари учун замин бўлмоқда.

Таълимнинг мақсади жамият эҳтиёжига мос равишда шаклланади. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай бўлишнинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялардан фойдаланиш эса уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топиш, мустақил ўрганиш ва фикрлаш, таҳлил қилиш, ҳатто яқиний хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради.

Бугунги кунда таълимда қатор замонавий технологиялар қўлланоқда. Дарс машғулотларида ўйин-топшиқларни такрорлаш ёки мустақамлаш дарсларида фойдаланиш ижобий натижа беради. Ўйин-топшиқнинг қайси бир турини танлаш дарснинг турига, синф ўқувчиларининг ўйин-топшиқларни бажаришга ўргатилганлик даражаси, уларнинг билим савияси, мустақил ижодий ишлаш имкониятлари, ўрганилганларни хотирада тез тиклай олиши, ижодкорликнинг қай

даражада шаклланишига ҳам боғлиқ бўлиши керак.

Бугунги кун ўқитувчидан илғор педагогик ва янги ахборотлар технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишни талаб этмоқда. Дарс машғулотларида интерфаол методларни қўллаш болани ўқишга қизиқтириш, яхши ўзлаштиришга имкон беради.

Ҳозирги кунда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалари (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқитувчилар олдида таълим жараёнида турли ахборот воситаларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси турибди.

Шунингдек, болада китоб ўқишга, мутолаага қизиқишни ҳам шакллантириш керак. Бунинг учун уларга ёшига мос нарсани таклиф қилинг. Китоб дўконига фарзандингиз билан бирга кириг. Фарзандингиз ўзи учун китобни ўзи танласин. Баъзи болаларга турли хил энциклопедиялар қизиқроқ. Бола нимани хоҳласа, ўқишига қўйиб беринг. Ўқиш хурсандчилиги олиб келиши керак. Ота-оналарнинг вазифаси болага нимани ўқиш қизиқроқ эканини аниқлаб, шу қизиқишни ривожлантиришдан иборат.

Болага ҳар куни намадир ўқиб беринг, янгича китоблардан фойдаланинг. Қизиқ бўлмаган нарсани ўқишга мажбурланманг. Китоб ўқиш ёқимли машғулот бўлиши керак. Бу оддий қоидаларни тизимли тарзда қўллаш орқали дилбандингизда китоб ўқишдек ажойиб машғулотга муҳаббат уйғотишингиз мумкин.

**Елена КОРНЕЕВА,**  
Юнусобод туманидаги 260-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси.

# Олти шартни биласизми?

Олимларнинг фикрича, соғлом турмуш тарзи олти асосий шартга амал қилишга асосланган экан. Улардан биринчиси, тўғри овқатланиш бўлиб, кундалик истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларни организмнинг физиологик, биологик талаблари асосида танлаш ва истеъмол қилишдир.

Тўғри овқатланиш шундай ташкил этилиши керакки, у ўзининг физик, кимёвий ҳамда биологик хусусиятлари билан инсон танасига оғирлик қилмасин, аксинча, тез ва осон ҳазм бўлиб, организмни керакли озукавий моддалар билан таъминласин.

Иккинчи шарт – доимо ҳаракатда бўлиш. Киши кундалик ҳаётда жисмоний машқлар, спорт ўйинлари, баданни чиниқтирувчи муолажалар билан кўпроқ шўғулланса, организмдаги физиологик, биологик жараёнлар фаоллашади. Натижада, кайфият кўтарилиб, ишчанлик қобилияти ортади. Шубҳасиз, бу саломатликни мустақамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Учинчи шарт – кун тартиби ва ишни биологик режим асосида ташкил қилиш. Кои-

нотда табиий ҳодисалар маълум бир тартиб асосида такрорланади. Хусусан, кўёшнинг ҳар кун маълум вақтда чиқиши ва ботиши, йил фаслларининг ҳар йили такрорланиши табиатдаги барча ҳаракатлар маълум бир тартибга бўйсунушидан далолатдир. Ва инсон ҳам бундан мустақно эмас.

Мисол учун, инсон танасидаги фаоллик кундузи ортади, кечаси сусаяди. Шу боис ҳам иш куни, дам олиш вақти тўғри режалаштирилган бўлиши керак.

Тўртинчи шарт – руҳий осовишталликни таъминлаш. Маълумки, бизнинг танамиз, ички аъзолар фаолияти асаб тизимига бевоқифа дахлдор. Уларнинг меъёрий фаолияти руҳий ҳолатимиз, кайфиятимизни белгилайди. Шу маънода ҳуда-беҳудада жиззаклик қилмай, яхши нарсалар ҳақида ўйлаб, оқилона фикрлаш, ёмонликлардан тийилиш, нафсга эрк бермаслик, хушфееъ, хушмуомала бўлиш соғлиқни сақлаш ва мустақамлашнинг гаровидир.

Бешинчи шарт – ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик сингари зарарли одатлардан тийилиш. Бу иллатларнинг соғлиқ

ва турмушга зиёни бисёрлигини алоҳида таъкидлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Зеро, бундай кишиларнинг ҳаётга бефарқ, кун ўтсин учун яшовчи, ўз соғлиғи ва келажакини ўйламайдиган заиф одамларга айланиб қолиши ҳаётда кўп кузатилган. Бу ачинарлидир.

Олтинчи шарт – озодалик, орасталикка риоя қилиш, атроф-муҳитга муносабат масаласи. Кундалик ҳаёти асосида инсон атроф-муҳитга маълум даражада таъсир кўрсатади. Масалан, ҳаётимиз учун зарур бўлган озиқ-овқатлардан чиқинди ҳосил бўлиши ўта табиий ҳол.

Биласиз, чиқитларни тўғри келган жойга ташлаш туфайли атроф-муҳит ифлосланади: сув, тупроқ ва ҳавода саломатликка салбий таъсир қилувчи омиллар вужудга келади. Шунинг учун ҳам озодаликка қатьий амал қилиш кундалик турмушимизда одатий ҳолга айланиши керак.

**Хатира ЕРГАШЕВА,**  
Тошкент вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиника умумий амалиёт шифокори.

## БИЛАСИЗМИ?

**АЙРИМ ШАХСЛАР ХИЗМАТ ТУРАР ЖОЙИДАН КЎЧИРИЛГАНДА УЛАРГА БОШҚА УЙ БЕРИЛАДИ**

Хизмат турар жойларида яшаётган кўйидаги шахслар хизмат уйдан бошқа турар жой берган ҳолда кўчирилади:

- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- 1941 – 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар;
- ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;
- ногирон фарзандлари бўлган оилалар;
- тарбиячи-ота-оналар, оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда;
- хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар;
- лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойни берган корхона билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар;
- ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;
- ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;
- хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;
- воёга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.



**Эҳтиёжманд оила хотин-қизларига контракт пули тўлаб берилади**

Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар давлат ОТМларида контракт асосида ўқишга кирганида контракт тўлови Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тўлаб берилади.

Бунда ҳар бир ҳудуддан ўқишга кирган 40 нафардан, иккинчи ва ундан юқори босқичларда тахсил аълоётган 110 нафар, жами 150 нафар хотин-қизлар учун тўрт йиллик контракт тўлаб берилади.

Бунинг учун ариза олий таълим муассасаси қабул комиссиясига берилиши керак.



**ЙПХ ходимлари дислокациядан ташқарида фаолият юритиши мумкин эмас**

ЙПХ ходими ўзига бириктирилган ҳудуд дислокациясидан ташқарида қоидабузарликлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштириши тақиқланади.

ЙПХ ходими томонидан ўзига бириктирилган ҳудуд дислокациясидан ташқарида расмийлаштирилган баённомалар юридик кучга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

ЙПХ ходими фақат йўл транспорт ҳодалари, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи, авария ҳолатини юзага келтириши мумкин бўлган қоидабузарликлар аниқланганда дислокациясидан ташқарида ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштириши мумкин.



**Кафил кредитор олдида қарздор билан баравар жавоб беради**

Кафиллик шартнома бўйича бошқа шахснинг мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олиши.

Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредит олдида қарздор жавоб беради.

Шунингдек, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан, фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилади. Ёзма шаклда тузилмаган кафиллик шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

ТАРКИБИДА ЁҒ, УГЛЕВОД, ТЕМИР, МИС, МАРГАНЕЦ, ЙОД, КАЛЬЦИЙ БЎЛГАНИ УЧУН ЁНҒОҚ "КЕЛАЖАК НОНИ", ДЕБ АТАЛАДИ. УНДАН ТИББИЁТ, ТАБОБАТ, ФАРМАЦЕВТИКА, ҚУРИЛИШ ВА БОШҚА СОҲАЛАРДА КЕНГ ФЙДАЛАНИШ МУМКИН.

МАЪЛУМКИ, БИР ТОМОНИ ҒЪЗАЛ ВОДИЙ, БИР ТАРАФИ ЯЙЛОВ, БОШҚА ТОМОНИ ЭСА ПУРВИҚОР ТОҒЛАР БИЛАН ЎРАЛГАН СУРХОНДАРЁ ЁНҒОҚ ЕТИШТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ХУДУД ҲИСОБЛАНАДИ. ИҚЛИМИ ЎЗГАЧА ВА ТАБИАТИ ФУСУНКОР МАНЗИЛНИНГ ТАЖРИБАЛИ ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ВА УСТА БОҒБОНЛАРИ БУ БОРАДА МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ НОМ ҚОЗОНГАНИ КЎПЧИЛИККА МАЪЛУМ.



# КЕЛАЖАК НОНИ

Ёнғоқни асраб қолиш ҳамда кўпайтириш борасидаги муаммо, мулоҳаза ва таклифлар

Аммо кейинги йилларда сурхон ёнғоқларига зараркунандалар жиддий зарар еткази бошлади. Аҳоли пишмаган ва аччиқ ёнғоқни сотишга мажбур бўлмоқда. Шу боис бозорларда маҳсулот нархи йил сайин кўтарилмоқда.

Хўш, муаммонинг олдини олиш учун нима-ларга эътибор бериш керак? Ёнғоқзорларни кўпайтириш, барқарорлини таъминлаш ва эл дастурхони тўқинлиги учун қандай йўл тутиш лозим? Шу мақсадда мутасаддилар, мутахассислар, депутатлар, партиямиз фаоллари, боғбонлар ва аҳоли вакилларининг фикрлари билан қизиқдик.

– Саккиз йилдан буён қуруқ мевалар савдоси билан шугулланаман, – дейди ўзини Санжар Олтибоев деб таништирган сотувчи. – Қовурилган нўхат, майиз, шўрданакнинг килоси 25 – 30 минг сўм атрофида. Писта ва бодом бироз қиммат – нави, тури, юмшоқ-қаттиқлиги ва катта-кичиклигига қараб 80 мингдан 120 минг сўмгача. Ёнғоқнинг килоси 30 – 35 минг сўм бўлса, қақилган мағзи 70 – 80 минг сўм.

– Нега ёнғоқ бунча қиммат, – савол берман унга. – Ахир сурхондарё ёнғоқнинг қони эмасми?

– Ака, гапингиз тўғри. – Аввал шундай бўлган. Қўнига 150 – 200 килогача маҳсулот сотганмиз. Аммо сўнгги йилларда аҳвол ўзгарди. Ёппасига қурт тушгани учун мевалар эрта тўқилиб кетаяпти. Одамлар август – сентябрь ойларидаёқ сотишга мажбур бўлмоқда. Сара ва сифатли ёнғоқ топиш қийин бўлгани учун нархи баянда...

– Тўрт йилдан буён аҳолидан пишмаган ёнғоқ сотиб оламиз, – дейди ўзини таништиришни истамаган йигит. – Олти киши "мавсум"да 15-20 тоннагача маҳсулот тўплаймиз. Уни Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларига олиб кетишди.

– Хом ва аччиқ мева кимга керак, ундан нима мақсадда фойдаланиш мумкин, – савол берман унга.

– Тўғриси, бундан хабарим йўқ. Кимдир бўёқ олиш учун ишлатилган деса, бошқа бирови қандолат маҳсулотларига қўшилади, деб жавоб беради. Дори ишлаб чиқаришда фойдаланишини ҳам эшитганман. Яна ким билади, дейсиз?

– Аҳоли билан қандай келишасизлар... – Ҳар хил. Ўзимиз териб олсак, килосига 1500 сўм, ўзлари тайёрлаб берса 1800 сўмдан берилади.

– Бу жуда арзон эмасми? – Тўғри, арзимаган пул. Аммо биздаям ўзига яраша харажат бор. Техника пули, ижара ҳақи, уйма-уй юриш, овқатланиш, дегандай. Шунинг учун қиммат ололмаймиз.

– Биз ёлланма ишимиз, холос, – давом этади ана шундай харидорлардан яна бири. – "Буюртма"чи килосига минг сўмдан "улуш" беради. Мавсумий тирикчилгимиз шундан. Бекор юргандан кўра, фойдали меҳнат билан шугулланган яхши эмасми?

Энди масаланинг яна бир жиҳати бор: пишмаган, ғўр ва аччиқ мевани одамлар нимадан қилади? Чорва моли ҳам емайдиған чиқиндини ташласинми ёки сувга оқизсинми? Арзон бўлса-да, "ўтказганимиз" яхши эмасми?

– Қарийб 20 сотих томорқамиз бор, – дейди Денов туманининг "Чўнтош" маҳалласида истикомат қилувчи Рўзихол Ортиқова. – Худуднинг бир томони жарлик бўлгани учун раҳматли турмуш ўртоғим 8 туп ёнғоқ экканди. Мевалар тўрт йилга ҳосилга кирди, денг. Дастлаб ҳар бир ниҳолдан 50-60 килогача ҳосил олинган бўлса, кейинчалик бу кўрсаткич янада яхшиланди. Даромади ҳам баракали эди – йилига уч-тўрт миллион сўмгача фойда олганмиз.

Мана, тўрт-беш йилдирки, ёз фасли охирларига келиб меванинг 60-70 фоизи ўз-ўзини тўқилиб кетаяпти. Қолгани ҳам пуч. Ичидан мағзи йўқ. Кўп йиллик дарахтларни кесиб ташлашга кўз қиймас, ерга "тўшалиб" ётган маҳсулотга раҳмингиз келади. Шунинг учун 1500 – 1800 сўмдан сотишга мажбурмиз. Увол ва исроф бўлгандан кўра шуям яхшида...

– Зараркунандаларига қарши кимёвий шлов берилмади, – савол берман онахонга.

– Кўрмаган чорамиз, қилмаган ҳунаримиз қолмади болам. Набиралар тўрт-беш марталаб тандир ва ўчоқдаги қулданам сепди, қандайдир суюқликлар билан пуркалдиам, аммо фойдаси бўлмапти. Нима қилиш ва қандай йўл тутишга ҳайронмиз. Ҳосил тўлиқ етилганда бир тонна ёнғоқ олган бўлардик. Бу 3,5-4 миллион сўм деганидир. Аммо иложи бўлмаяпти-да.

– Қандай фикр билдиришга ҳам ҳайронман, – давом этади Узун туманининг "Файзова" маҳалласида яшовчи Хурсаной Бобонова. – Биласизми, бозорнинг ўз тартиб-тамоили ва қонун-қондаси бор. У доим талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатади. Агар маҳсулот етарли бўлса, баҳоси арзонлашади, танқислик эса нарх-наво ошишига олиб келади. Бугун шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бир кило ёнғоқ 30-35 минг сўм. Чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳатто 40-45 минг сўмгача кўтарилган. Ҳосилни сақлаб қолиш учун зараркунандаларга қарши курашишнинг мақбул йўллари топиш керак. Хорижий мамлакатлар амалиётини ҳаётга татбиқ қилиш ҳам фойдадан олиб бўлмайди. Шундагина нафақат она табиатни асраган бўламиз, балки кўзланган мақсадга ҳам эришилади.

– Худудда 24 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, – давом этади Денов туманидаги "Хўжаҳалқи" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамасоат Ибрагимов. – Юртдошларимизнинг асосий қисми томорқадан фойдаланади. Уйларда паррандачилик, чорвачилик, асалари-чилик, балиқчилик ташкил қилинган. Иссиқхоналарда лимон, апельсин, мандарин, банан етиштирилмоқда. "Хўжаҳалқи"нинг қулпуннай, булғор қалампери, бақлажон, редиска ва бошқа маҳсулотларини ҳатто киш фаслида ҳам топиш мумкин.

Аммо ғўр ва пишмаган ёнғоқларнинг олиб кетилаётгани оғрикли нуқталаримиздан бўлиб қолмоқда. Тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилаётганига қарамай, кимдир ўз маҳсулотини сотаётган бўлса, бошқа бир юртдошимиз уни харид қилаяпти.

Қарс икки қўлдан, деганларидек аввало, оқсил ва витаминларга бой ёнғоқни асраб қолиш чора-тадбирлари кўрилиши керак. Ҳосил ўз вақтида – кузда терилса, озиқ-овоқт хавфсизлиги таъминланади. Рўзгорлар ободлиги, дастурхонлар тўқинлиги ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг кафолати ҳам шунда.

– Ёнғоқ таркибида ўндан ортиқ фойдали витамин бор, – дейди шифокор Абдужалил Ўроқов. – Буюқ бобомиз Абу Али ибн Сино меванинг уруғи, новдаси, томири ва пўстлогидан фойдаланиб қатор касалликларни даволаган. Асаб тизими, дармонсизлик, камқонлик, юрак қон-томир, ўт-пуфак, ошқозон, талоқ шамоллаши, ревматизм, бўқоқ, тиш, томоқ ҳамда турли йирингларни бартараф қилишда ёнғоқ қони фойдадир. Чарчоқнинг олдини олиб, асаб тизимини мустаҳкамлайди. Бир сўз билан айтганда, ўсимлик асосида тайёрланадиган тиббий дорилар ўттиздан ортиқ хасталикка ижобий таъсир қилади.

"Тиб қонунлари" асарида ёнғоқ ва унинг қобиғи қонни тўхтатишга фойдали эканлигини таъкидлаган. Мураббоси совуқ медага наф келтиради. Буйракка фойдаси катта. Япроқ шираси қулоқ йирингига шифо. Қобиғининг қуюлтирилган шарбати йўталга малҳам бўлса, меваси ичак оғригини бартараф қилади. Йод моддаси қалқонсимон без фаолиятини тиклайди. Темир, фосфор, сиротин дармондориси, мой ва оқсиллар эса овқат ҳазм бўлишини яхшилайди.

– Ўсимликдан косметология саноатида ҳам кенг фойдаланилади, – дейди косметолог Гулчехра Ҳайдарова. – Бир стакан қайнатилган сувга 1 чой қошиқ қуритилган барг қўшилса, қўл ва оёқ терлашининг олдини олади. Дамлама кунига 3-4 маҳал ичилса, гижжани йўқотади. Дарахт кипиғи (арралганда ҳосил бўладиган кукун) сирка ва сув билан аралаштирилиб юзга суртилса тери тиниқлашади. Зайтун ёғи билан тайёрлангани қазоқни кетказди. Хулоса ўрнида айтганда, ёнғоқнинг томирдан тортиб, мевасигача инсонга фойда беради.

» **Замини сахий, тупроғи унумдор ва серкўёш ҳудуд ёнғоқлари яна ўз шухратини тикласа, нафақат маҳаллий бозорларда нарх-наво барқарорлашади, балки жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош ва сифатли маҳсулотларимиз билан ўз ўрнимизни янада мустаҳкамлаган бўлардик.**

– Яшиллик олами бўлган дов-дарахтлар инсониятнинг "кислород фабрикаси" ва озиқ-овқат манбаи ҳисобланади, – дейди Сарисоё туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори, ЎзХДП фаоли Эрқиной Мухторова. – Атроф-муҳит мўътадиллиги ва мувозанатли сақлашда уларнинг ўрни беқиёс. Ҳосил бермаётган ёнғоқларнинг кесилаётгани ёки ғўр ва аччиқ меваларга қирон келтирилаётганини она табиатга қилинган тажовуз, деб биламан. Атроф-муҳит мўътадиллиги ва сайёра мусоф-фолигини ҳорасак, она табиат ҳам биздан ўз саховатини аямайди. Аксинча, у инсониятдан аёвсиз ўч олиши мумкин...

– Айрим мевада икки-учта қурт "ин" қуриб олгани кишини ажаблантиради, – дейди экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси Шамсулло Шукурров. – Улар ҳосилни еб битираяпти. Балодан занл-жирсимон қора "пўпанак" ва бужмайган мева қолаяпти, холос. Юртдошларимиз ташивишда, ўсимлик дунёси азоб чекмоқда, борлиқ изтиробда. Тезроқ чора-тадбир кўрилса, яхши бўларди.

– Худудда 220 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, – дейди Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши раиси Ботиржон Ражабов. – Эллик учта маҳалла бор. Пишмаган ва аччиқ ёнғоқларнинг арзимаган баҳода сотилаётгани, афсуски, бизда ҳам учраб турибди. Энди ҳисоблаб кўринг: бир кунда 53 та маҳалладан ўртача бир тоннадан (аслида ундан ҳам кўп) ҳосил олиб кетилса, бу бир ойда 1500 тоннадан кўп деганидир. Рақамлар ортида инсон саломатлиги, рўзгорлар ободлиги ва оилалар фаровонлиги борлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

– Европа, Осиё ва бошқа минтақаларда кенг тарқалган ўсимликнинг 800 дан ортиқ тури бор, – дейди академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Сурхондарё илмий тажриба станцияси илмий ходими Неъматулло Астанақулов. – Кўчатлар иқлим ва ҳудуд ҳисобга олинган ҳолда экилади. Ниҳоллар асосан март-апрель ойларида гуллайди. Тоғ ва тоғолди худудларида эса 3-4 ҳафтага кечикиши мумкин. Иссиқсавар ўсимлик ҳатто тошлоқ, жарлик, қир-адир ва сувсиз жойда ҳам ҳосил бериши мумкин.

Яшил олам мўъжизаси бўлган ёнғоқни ҳақиқий маънода инсон саломатлигининг ҳазинасига қийслаш мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимизда "Бўстонлик", "Идеал", "Юпқа пўчоқ", "Юбилей", "Шингил ёнғоқ" каби навлари етиштирилмоқда. Ушбу дарахтлар пайванд усулида бўлса икки-уч йилдаёқ ҳосилга киради. Бир гектаридан ўртача 15-18 тонна ҳосил олиш мумкин. Бу 150-200 миллион сўм даромад деганидир.

Биласизми, бундан 7-8 йил аввал ҳосилдорлик яхши бўлган. Аммо 2017 йилга келиб Шўрчи, Денов, Сарисоё, Узун туманларида ёнғоқ қурти мевага дахл қилган бўлса, кейинчалик Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон ва бошқа туманлар аҳолиси ҳам жабр кўра бошлади. Зарарланган худудлар тобора кенгайиб бораётгани эса янада афсусланарли.

Зараркунандалар қаердан пайдо бўлмоқда?

Ўрганишларимиз давомида бунинг бир неча сабаблари борлиги аниқланди. Биринчиси бу – иқлим ўзгаришидир. Маълумки, сўнгги беш-олти йилда киш фасли меъёрдан анча илиқ бўлди. Тоғ ва тоғолди худудларини ҳисобга олмаганда, ёғин-сочинли кунлар кам кузатилди. Бу эса турли ҳашорат ва қурт-қумурсқаларнинг кўпайишига замин яратди.

Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилмагани ҳам ана шундай омиллардан ҳисобланади. Кўпчилик эрта баҳорда дарахтларга азот, фосфор ва бошқа минерал ўғит беради. Ёки маҳаллий ўғит солиб, тагини юмшатиши мумкин. Ойда бир ёки икки марта сув қуямиз, холос. Бу билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Зараркунандаларга қарши курашни аслида куз фаслида бошлаш керак. Ёнғоқ йиғиштириб олингандан кейин дарахтга "Функуцит" ёки "Индектоцит" эритмаси пуркалса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, "БИ – 58", "Фазалон", "Антио", "ИССО" ва бошқа аралашмалар ҳам фойдали. Бунинг учун, албатта, мутахассис билан маслаҳатлашган маъқул.

Қишда уч-тўрт марта яхоб суви бериш эса илдиш, тана ва шохлардаги ҳашоратларни йўқ қилади. Эрта гуллашнинг олди олиниб, намлик даражаси меъёрда бўлади. Дарахт танасига оҳак ва мис купораси аралашмаси суртишни ҳам унутмаслик керак. Ана шундай агротехник тадбирларга қатъий амал қилиш "келажак нони"дан яхшигина даромад олиш гаровидир.

– Ёнғоқ қурти бошқа мева ва сабзавотларга талофат етказадими?

– Йўқ, бундан хавотир олмаса ҳам бўлади. Аммо ҳар бир дарахт ва меванинг ўз қушандаси бўлганидек, ёнғоқ қурти ҳам ўздан турли зарарли унсурларни қолдириши мумкин.

Қарийб қирқ йиллик фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, бир таклифни айтмоқчиман: ҳозирги кунда тажрибали мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда. Шунинг учун жойларда дарахт экиш, парвариш қилиш, зараркунандаларга қарши курашиш, тайёр мевани сақлаш ва экспортга йўналтириш мавзуларида семинарлар ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, боғ яратиш она табиатни асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, мусоффоликни таъминлаш, тўқинликка ҳисса қўшиш ва арзончилик гарови ҳамдир.

– Дунёда содир бўлаётган воқеалар сабабли жаҳон бозорида беқарорлик кузатилмоқда, – дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Бахтиёр Аҳроров. – Буғдой, ўсимлик ёғи, шакар, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кўтарилмоқда. Қуруқ ва узоқ сақланувчи меваларга бўлган талаб ортаятипти. Замини сахий, тупроғи унумдор ва серкўёш ҳудуд ёнғоқлари яна ўз шухратини тикласа, нафақат маҳаллий бозорларда нарх-наво барқарорлашади, балки жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош ва сифатли маҳсулотларимиз билан ўз ўрнимизни янада мустаҳкамлаган бўлардик.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

## НАМКОРЛИК

+25  
+30 Корақалпоғистон Республикаси Хоразм+30  
+35 Бухоро Navoiy+29  
+34 Toshkent Samarqand Jizzax Sirdaryo+30  
+35 Qashqadaryo Surkhondaryo+27  
+32 Andijon Namangan Farg'ona+30  
+32 Toshkent shahri

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ – ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК, МЕХР-ОҚИБАТ РАМЗИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАБУСУ БИЛАН ҚАЙТА ТИКЛАНГАН "ИПАК ЙЎЛИ ДУРДОНАСИ" XIV ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ТАДБИРЛАРИ ИЛК КУНЛАРДАНОҚ ҒОЯТ ҚИЗҒИН ТУСГА КИРДИ. КИНОФЕСТИВАЛГА МЕХМОН БЎЛИБ КЕЛГАН ХОРИЖЛИК ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚДИК.



### Виктор ВАСИЛЬЕВ, Беларусь кинематографчилар уюмчаси раиси:

– Қайта тикланган Тошкент халқаро кинофестивали биз учун тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, барқарорлик рамзи бўлиши билан бирга, ижод завқига айланган, мулоқотларга бой бўлган фестивалдир. Юртимиз кино ижодкорлари ушбу фестивалда иштирок этиш орсусида эдилар. Биз Тошкент халқаро кинофестивали учун "Портлаш" ҳамда "Айқиннинг 10 та ҳаёти" номли кино фильмларни олиб келдик. "Портлаш" бадиий фильми Иккинчи жаҳон уруши йилларида Беларуснинг жанговар ҳаракатлар содир бўлган ҳудудларини миёна ва снарядлардан тозалаш бўйича тузилган махсус отряднинг жасорати ҳақида ҳикоя қилади. "Айқиннинг 10 та ҳаёти" картинасида эса супер реалистик ўйинларга кириб қолган кишиларнинг саргузаштлари акс эттирилган. Умуман олганда, Тошкент халқаро кинофестивали киночиларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун жуда қулай имкониятдир.

### Физза Али МИРЗА,

#### покистонлик кинопродюсер:

– Ушбу халқаро кинофестиваль ки-

нематография соҳаси ижодкорларининг ўзаро ҳамкорлиги учун янги қирраларни очиши билан қадрлидир. Азалдан "Буюк ипак йўли" маданиятлар, илм-фан, маърифат ривожини йўлида мулоқот учун ўзига хос восита бўлган. Марказий Осиё ҳудуди тарихдан маданият чорраҳаси сифатида яхши маълум. Буларнинг бари бизнинг тарихимиз, маданиятларимиз муштараклигида ўзининг яққол ифодасини топган. Покистонлик киночилар ушбу фестивалга "Мотоциклчи қиз", "Торт", Тўй ўтказиш" каби фильмларни олиб келишган. Ушбу картиналар кино мухлисларига манзур бўлади, деб ўйлайман.

### Афшин ҲОШИМИ,

#### эронлик кинопродюсер:

– Ўзаро фикр ва тажриба алмашиш кино ижодкорларга катта қуч-қувват бағишлайди. Келгусидаги ижоди учун ўзига хос туртки беради. Ўзбекистоннинг бой маданияти, тарихи Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларида яққол кўзга ташланади. Ушбу фестиваль бугунги кунда ўзбек киноси соҳасидаги ўзгаришлар билан бирга, дунё кинематографиясида кечаётган жараёнлардан ҳам хабардор

қилади. Тўғриси, ушбу фестивалда иштирок этиш учун таклиф этилганимдан жуда мамнунман.

### Адай АБЕЛЬДИНОВ, Қозоғистондаги Миллий кинони қўлаб-қувватлаш давлат марказининг халқаро кинофестиваллар бўйича ижрочи директори:

– Тошкент халқаро кинофестивалининг "Беш кунда кино" лойиҳасини алоҳида эътироф этмоқчиман. Бу лойиҳа ёшларнинг кинематография соҳасидаги имкониятларини тўлиқроқ намоён этишлари учун йўлга қўйилгани эътиборга моликдир. Қозоғистон ёш кинематографларининг "Олов" ҳамда "Паралимпиячи" фильмларини мазкур фестивалда намойиш этиш учун олиб келдик. "Ипак йўли дурдонаси" Тошкент халқаро кинофестивали асосан ёшларнинг истеъдодини намойиш этиш, уларнинг кино соҳасидаги билимларини янада бойитиш, маҳоратини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли.

### ЎЗА МУХБИРИ

Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.



### ШҲТ саммити меҳмонларига зарурий тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун "1303" қисқа рақамли Call-марказ хорижий тилларда хизмат кўрсатади

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити доирасида мамлакатимизга ташриф буюрадиган чет эллик расмий делегация вакиллари ва меҳмонларга зарур ҳолатларда сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Самарқанд шаҳрида туну кун фаолият кўрсатувчи "1303" қисқа рақамли Call-марказ фаолияти йўлга қўйилди.

Бу ерда мутахассислар томонидан инглиз, рус ва хитой каби хорижий тилларда тиббий муружаатлар қабул қилинади.

Шунингдек, зарурат туғилганда, таркибида деярли барча ихтисосликлар бўйича мутахассислар жамланган 50 та тиббий бригада ШҲТ саммити делегациялари аъзоларига хизмат кўрсатиш учун шай ҳолатга келтирилган.

Бундан ташқари, ҳар бир делегация вакиллари билан Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарга жойлаштиридан олдин коронавирусга қарши ПЗР тестлари олинади.

Шу мақсадда саммит иштирокчилари ва меҳмонлар жойлашадиган меҳмонхоналарнинг ҳар бирида тиббий мобил гуруҳлар ташкил этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.


## ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда. Бу борада 2018 йилда мамлакатларом автомобил, темир йўл ва ҳаво қатнови йўлга қўйилган бўлса, кейинчалик «Термиз – Душанбе» ва «Денов – Душанбе» йўналишларида автобуслар қатнай бошлагани халқларимиз учун айна мўддао бўлган эди.

Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили муносабати билан Сароисиё туманининг "Сариоисиё" ҳамда Турсунзода шаҳрининг "Диёри Турсунзода" газеталари таҳририятлари жамоалари ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Ҳозирги кунда ойда бир марта — 7 минг 400 нусхада тожик ва ўзбек тилларидаги қўшма газета нашр этилмоқда. Асосий мақсад, ўзаро тажриба алмашиш, дўстлик ришталарини боғлаш ва мамлакатларимиздаги ўзгаришларни газетхонларга ўз вақтида етказишдан иборатдир.

– Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг жасорати туфайли дини ва урф-одатлари бир бўлган халқларимизнинг 30 йиллик орзулари ушалди, — дейди "Сариоисиё" газетаси бош муҳаррири Абдурайим Раҳмонов. — Бундан руҳланган ижодий жамоамиз бир неча марта Турсунзода шаҳрида бўлишди. Тожикистонлик журналистлар воҳамиздаги ислоҳот ва янгиланишлар билан яқиндан танишишди. Хайрли иш ва эзгу анъанани бундан кейин ҳам изчил давом эттириш кўзда тутилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, "Ўзбекистон ovozi" мухбири.



"Шубҳаларимиз — душманамиздир. Айна улар туфайли таваккал қилишдан қўрқиб, ажойиб имкониятларни бой берамиз."

Уильям Шекспир

## МЕХР УЛАШУВЧИ ШИФОКОРЛАР

Саломатлик инсон ҳаёти учун энг муҳим масала ҳисобланади. Бу борада эса тиним билмасдан тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган, умр йўлларини шу шарафли ишга бағишлаб яшаётган тиббиёт соҳаси ходимларига таъзим изҳор этсанг ҳам камдек туюлади.

Шу боис ҳар давлатимиз томонидан соҳа вакиллари фаолияти алоҳида эътироф этилиб, уларга эҳтиром кўрсатиш устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Яқинда фарзандим Шерзод Мамановнинг соғлигини яхшилаш учун Республика шифолиниқ тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалига келдим. Бу ердаги илиқлик, беморларга муносабат, шарт-шароитларни кўриб беихтиёр руҳинг энгил тортади.

Шифохонада 1571 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилади. ЭКГ, УТТ, компьютер томограф, МРТ, ЭФГДФС, наркоз, гемодиализ аппаратлари ишлаб турибди. Тиббиёт муассасаси автоклав,

қуруқ ҳаво билан жиҳозларни стерилизация қилиш ускунаси, электроцентрифуга ва лаборатория аппаратлари, дизел генератори (ёқилги ёрдамида электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ускуна) билан ҳам таъминланган.

342 минг нафардан ортиқ аҳолига шифолиниқ ва тез тиббий ёрдам кўрсатувчи ушбу муассасада ходимлар одамларни рози қилиш, инсонларни қадрлаш тушунчаларига чин дилдан амал қилишларига уларнинг фаолияти мисолида гувоҳи бўлдим. Бош шифокор Р.П.Тўлаков бу ерда соғлом иш муҳитини аъло даражада ташкиллаштирган. Тўғриси, шифохонадаги тотувлик, самимийлик ҳар бир беморга бор меҳрини бериб, элимизнинг соғлиғи йўлида хизмат қилаётган шифокорларни кўриб тасаннолар айтдим.

Шифокорлар беморлар, уларнинг оила аъзолари билан самимий суҳбатлашиш давомида касаллик тарихи, даволаниш учун қандай ёндашиш кераклиги, бемор тузалиши давомида қандай мураккаб жараёнларни бошидан кечиришларини сўзлаб беришади. Бу эса ижобий натижа беради. Бу ердаги шифокорлар учун ишона уларнинг иккинчи уйи экан. Негаки, улар фақатгина даромад топиш учун эмас, халққа меҳр улашиш учун ишлашар экан.

Мен бу сўзларни нега айтяпман? Нима учун шифокорлар ҳақида сўз юртим? Боиси бугунги кунда улар ҳақида турли фикрлар билдирилади, салбий ҳамда ижобий. Ҳаётни ижобий томондан кўрадиганларга ҳамisha яхши одамлар учрайди. Саломатлигимиз учун қайғурадиган, дардимизга дармон бўладиган, оқ юракли бу касб эгаларига хизматлари учун ҳар қанча ташаккур айтсак арзийди.

Турдикул МАМАНОВ, ЎЗДП аъзоси, халқ депутатлари Деҳқонобод туман Кенгаши депутати.

**"ДОВЕРЕННОСТЬ" УЧУН НОТАРИУСГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС**

Автотранспортни бошқариш учун ишончномани 2 йил усулда расмийлаштириш мумкин

**НОТАРИУС ОРҚАЛИ ЭЪМА ШАКЛДА** = **ЯИДХП (my.gov.uz) ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА**  
2022 йил 1 сентябрдан

| НОТАРИУС ОРҚАЛИ ЭЪМА ШАКЛДА   | ЯИДХП (my.gov.uz) ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА  |
|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>давлат божи 900 минг сўм</li> <li>герб йиғини 30 минг сўм</li> <li>пуллик хизмат учун тўлов 75 минг сўм</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>давлат божи 1 ойгача бўлган муддатга – 90 минг сўм</li> <li>6 ойгача бўлган муддатга – 450 минг сўм</li> <li>3 йилгача бўлган муддатга – 900 минг сўм</li> </ul> |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>герб йиғини</li> <li>пуллик хизмат учун тўлов</li> </ul>   | <ul style="list-style-type: none"> <li>герб йиғини</li> <li>пуллик хизмат учун тўлов</li> </ul>   |

Электрон ишончнома орқали фуқароларимиз ҳам ўз вақтини, ҳам 1 йил давомида қарийб 24 МЛРД СўМ пулни тежаб қолади.

Манба: ПҚ-311-сон, 07.07.2022 й.

### МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

## Ўзбекистон ovozi

### ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV  
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV  
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOYULOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

### Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «Ўзбекистон ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 941. 1850 нусхадда bosildi. O'z'a yakuni —  
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 23:55

t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda